



ТОШКЕНТ О'QSHOJ

ШАХАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСII
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 108 (9.452) 2000 йил 11 сентябрь, душанба

Сотувда эркин нархда

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НЬЮ-ЙОРК САФАРИ

Нью-Йорк. 8 сентябрь. (ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади). Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг асримиздаги энг сўнгги, «Мингйиллик саммити» деб ном олган сессиясида иштирок этиш учун Нью-Йоркка йўл олган Президент Ислам Каримов Амстердам шаҳрида тўхтаб ўтди. Шаҳар аэропортида давлатимиз раҳбарини Нидерландия қироллиги хонадони ҳамда ҳукумати вакиллари қарши олди. Ўлиб ўтган қисқача суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожига билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу кунни Нью-Йоркда Президент Ислам Каримов АҚШ Президенти Билл Клинтон томонидан «Мингйиллик саммити» иштирокчилари шарафига уюштирилган расмий қабул маросимида иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг жаҳоннинг бир юз элликдан ортиқ давлат ва ҳукумат раҳбари иштирок этган сессияси минбаридан нутқ сўзлади.

Таширф давомида Президентимиз АҚШ давлат қотиби Маллен Олбрайт ва Исроил Бош вазир Эхуд Барак билан ҳам учрашди. Президентимиз яна бир қатор учрашувлар ҳам ўтказди.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Нью-Йоркдан Тошкентга қайтиб келди.



Саноат ҚУДРАТЛИ АГРЕГАТЛАР — ЭКСПОРТГА

«Ўзқилиққўжаликмаш-хольдинг» холдинг компанияси таркибий қисми ҳисобланган Тошкент қилиққўжалик машинасозлиги ҳисоддорлик жамиятининг хорижий ҳамкорлар билан алоқалари кенгайиб бормоқда.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган қудратли агрегатларнинг талайгинаси хорижий давлатларга экспорт қилинаётганини мамнуният билан айтиш мумкин. Бу жамоада яқинда болгариялик машинасозлар билан ҳам ҳамкорлик битими имзоланди. Ана шу ўзаро келишувга биноан пахта териш машиналаридан 20 таси тайёрланди.

Хозирда Греция мамлакатидан Тошкентга 300 га яқин «зангори кема»лар пахтакорлар оғирини енгил қилмоқда. Эндилда бу машиналар учун зарур эҳтиёт қисмларга ҳам буюртмалар олинмоқда. Грециялик пахтакорларнинг ушбу буюртмаларини ҳам ўз вақтида бажариш учун корхона ишчи-хизматчилари ғайрат қўсатишмоқда. Шунингдек, жамоа муҳасислари изланишлари туфайли корхона целларида тайёрланаётган сеялка ва чопик техникаларидан бир қисми Туркменистон ва Озарбайжон дала меҳнатқашаларига етказиб берилди.

Ақбар АЛИЕВ.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАМБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИГА МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 9 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИДАН ДИЛ ИЗЖОРИ БИТИЛГАН САМИМИЙ КЎТЎЛВЛАР КЕЛИШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.**

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Польша Бош вазирини уринбосари, иқтисодиёт вазирини Я. Штайнхофф бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини уринбосари, молия вазирини Р. Азимов билан учрашди.

● **Бугун** Украина Бош вазирини Виктор Ющенко Тошкентга келади. Унинг ушбу таширфи икки давлат раҳбарлари учрашуви олдида тайёрларлик босқичи бўлиб қолади.

● Тошкентда пул-кредит сисмати бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

● Фарғонада Ўзбекистон банклар ассоциацияси филиалининг янги биноси очилди.

● Утган шанба кунни Тошкентда Фавқуллода вазиятлар вазирлигининг янги «Қутқарувчи» қидирув-қутқарув қисмининг тантанали очилиш маросими бўлди.

● Бухоро вилоятида хозирча ягона бўлган «Ташаббус» номли хусусий банк иш бошлади.

● «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасига қиймати 7 минг 858 АҚШ доллари миқдориди икки тонналик юк келди. Уни Американин «Каунтерпарт интернейшнл, Инк» давлати ташкилоти ёборди.

● Термизда давлат шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг вилоят филиали очилди.

● Андижон шаҳар «Телеком» акциядорлик жамияти замонавий ускуналар билан жиҳозланган янги халқаро сўзлашш нуктасини очди.

● Қирғай тумани деҳқонлари ва боғбонлари Тошкент вилоятида биринчи бўлиб сабзавот ва мева тайёрлаш режасини бажарди.

● **Бугун** мамлакатимизга доктор Герберт Хишлер бошчилигидаги Гессон Федерал ери делегацияси таширф буюради.

● **Кеча** Тошкентдаги ҳинд маданият марказида Ўзбекистонга меҳмон бўлиб келган Ҳиндистон тadbиркорлар делегацияси аъзолари ўзларининг Ўзбекистонлик ҳамкасblари билан учрашди.

● Фарғона шаҳрида Бурхониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллигига бағишлаб ўтказилган белбоғли кураш бўйича биринчи халқаро турнир якунланди.

ЖАҲОНДА

● БМТнинг Нью-Йоркдаги Бош қароргоҳида 150 дан ортиқ мамлакатнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари иштирок этган «Мингйиллик саммити» иштирокчилари Ўзбекистон Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Мингйиллик Ассамблеяси» раисининг ўринбосари этиб сайлади. Бу нарса Ўзбекистон Республикасига катта ишонч билдирилганининг белгисидир.

● **Бугун** Хитой Халқ Республикаси парламентининг раҳбари Ли Пан Москвага келади.

● 9 сентябрда Тожикистон мустақилликка эришганига тўққиз йил тўлди.

● **Бугун** Ереванда Миллий мажлис депутатлари ўзларининг дастлабки кузги сессияларини ўтказди.

● **Бугун** Шимолий Корея делегацияси Жанубий Кореяга келади. Делегация Корея Халқ Демократик Республикасининг раҳбари Ким Чен Ирнинг Сеулга бўладиган таширфи муддатини муҳокама қилади.

● **Кеча** Фаластинни Озод қилиш Ташкилотининг Марказий кенгаши Фаластин давлати мустақиллигини эълон қилиш санасини кейинга сурши тўғрисида қарор қабул қилди.

● **Бугун** дан бошлаб Мексикадаги барча давлат ва жамоат муассасаларида чекишни тақиқлаш жорий қилинади.

● **Бугун** Австралининг Мельбурн шаҳрида Осиё-Тинч океани саммити очилади.

● **Кеча** ўтказилган махсус операция чоғида Сьерра-Леонеда 25 август кунин гаровга олинган беш нафар британиялик ҳарбий хизматчи озод қилинди.

● Хитойнинг шимолий-ғарбидида Урумчи шаҳрида қучли портлаш рўй берди. Шунинг оқибатида 60 киши ҳаётдан кўз юмди.

● Хитойда рўй берган «Укун» тўфони оқибатида беш киши ҳалок бўлди, яна бир киши бедарак йўқолди.

● **Бугун** Япония ва Россиянинг ҳарбий-денгиз қучлари Тинч океанида биргаликда машқлари бошлади.

● Колумбия Президенти Андрес Пастрана исёнчилар билан музокара ижобий натижа беришига ишонч билдирди. Унинг фикрича, қуролли зиддиятлар, қон тўкиш ва зўравонликларга чек қўйишнинг бирдан-бир йўли музокарадир.

● АҚШда лазерли қурол синовлари муваффақиятли ўтди.

● «Толибон» ҳаракатининг қуролланган жангарилари Аҳмадшоҳ Мазъуд бошлиқ Шимолий иттифок қуролли қучлари муҳофаазидидаги Тоҳар вилоятининг Толиқон шаҳрига ҳужум бошлади. Ушбу шаҳар Афғонистон билан Тожикистон чегараси яқинида жойлашган.

● Сиднейга борган Халқаро олимпиади қўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч Олимпиада-2000 мусобақаларини уюштирувчилардан транспорт муаммосини ҳал қилишни талаб этди.

● **Кеча** дан бошлаб Россия Федерацияси темирйўллар вазирлиги ўзоқ масофаларга катнайдиган поездлардаги ташиш тарифини 25 фоизга оширди.

● Австралида Сидней Олимпиадасида қатнашувчи спортчилар орасида допинг ва бошқа тақиқланган моддалар истеъмолига мойиллиқни текширувчи энг замонавий асбоб-ускуналар тайёрлаб қўйилди.

● Сомалидаги икки элат қуролли гуруҳлари ўртасидаги тўқнашувда камида 25 киши ўлди ва ўнлаб одам яраланди. Хозирча галгелъ ва хавадхел элатлари ўртасидаги мазкур мухожоро сабаблари номаълум.

Янгиликлар

ТРАНСПОРТЧИЛАР СОВҒАСИ

«Тошшаҳарйўловчигитранс» давлат уюшмаси бошқаруви ҳамда ҳасабда уюшмаси янги ўқув йилига фарзандларимиз учун яхши совғалар хозирлади.

У ҳомий ташкилот сифатида икки ярим миллион сўм ажратиб, бу маблаг меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатларда тарбияланаётган ўғил-қизларга дарсликлар, ўқув жиҳозлари сотиб олиниб, уларга тортиқ этилди. Уюшманин бу хайри иши 3-автобус саройи транспортчилари томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Улар ҳам шу жамоада меҳнат қилаётган

ишчи-хизматчиларнинг 125 нафар фарзандларига янги ўқув йили совғаларини тарқатишди. Шунингдек, бу жамоа транспортчилари фарзандлари таълим олаётган мактаблар билан яқин алоқа боғлаб, уларнинг моддий томондан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ҳам ишлаб чиқди. Албатта бу Соғлом авлод йилида уларнинг фарзандлари учун катта совғадир. **Анвар ВАЛИЕВ.**

МАРКЕТИНГ ХИЗМАТИ

«Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссодорлик жамияти цех ва участкаларида ишлаб чиқарилаётган махсулотлар ўзининг сифати ва қуввати жиҳатидан жаҳон бозорида харидоригр бўлиб бормоқда. Корхона муҳандис ва конструкторларининг самарали изланишлари боис юзага келаётган янги тракторларга хориждан қўллаб буюртмалар олинётгани ҳам бунин исботлаб турибди.

Корхонада маркетинг хизматининг яхши йўлга қўйилганлиги ўз самарасини бериб рақобатбардош махсулотлар четга чиқариш кўпайиб бормоқда. «ТТЗ — 60» ва «МТ — 30» русумли тракторларга Марокко мамлакатидан буюртма олинди. Тракторсозлар буюртмачилар талабларини инобатга олиб ихчам ва серунум тракторларини ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқдалар. Бундай мўъжаз агрегатлардан шу йилнинг ўзида 2500 таси ишлаб чиқарилиши кўзда тутилмоқда. Бу хил тракторлар ҳам четга экспорт қилинади.

Шунингдек, Сурия давлатида корхонанинг савдо уйини очиш тараддуди қўрилмоқда. Туркменистон мамлакатида бунёд этилаётган сервис-савдо маркази ҳам ўзбек тракторларини оммалаштиришда, унинг жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллашда муҳим ҳисса бўлади.

Аъзам АХМЕДОВ.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

САБАБЛАР ЎРГАНИЛДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича шаҳар ҳудудий комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, комиссия раиси Нодир Хонев олиб борди.

Мажлисда иккита асосий масала кўриб чиқилди ва муҳокама этилди. Булар — туман ҳокимликларининг зарар билан ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича олиб бораётган ишлари ҳамда банкрот деб эътироф этилган корхоналарда тугатиш ишларининг бориши ҳақидаги масалалар бўлди.

Кун тартибидидаги биринчи масала юзасидан Мирзо Улуғбек, Собир Раҳимов, Ҳамза туманлари ҳоким ўринбосарлари ақборот беришиб, ушбу туманлардаги зарар билан ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарнинг бугунги аҳоли ҳақида ба-тафсил гапириб, уларга нисбатан кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида айтиб ўтдилар. Тақлиф қилинган иқтисодий ночор ва зарар билан ишлаётган корхона раҳбарлари ночорлик сабабларини тушунтириб, ушбу кунда олиб борилаётган сая-ҳаракатлар ҳақида аниқ

маълумот беришди. Иккинчи масала юзасидан Мирзо Улуғбек, Собир Раҳимов, Юнусобод, Шайхонтоҳур туманлари давлат солиқ инспекцияси бошлиқлари сўзга чиқиб банкрот деб топилган корхоналарда тугатиш ишларининг қандай амалга оширилаётгани, бу борада солиқ инспекцияси ходимларининг амалга ошираётган ишлари тўғрисида ақборот беришди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, давлат мулкни бошқариш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Ровшон Пўлатов, шаҳар банкротлик ва санация бошқармаси бошлиғи Эркин Каримовлар ҳам юқоридаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Мажлисда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Президент Кубоги



Ўтган шанба, яқшанба кунлари «Юнусобод» теннис кортида Президент Кубоги турнирининг саралаш беллашувлари бўлиб ўтди. Wild card орқали ушбу бахсларда Денис Салимсаков, Мурод Иноятлов, Дмитрий Мазур, Денис Курма-тов, Фарух Дўстов, рейтинг кўрсаткичлари бўйича эса Абдуҳамид Махшамов, Дмитрий Томашевич каби қучли теннисчиларимиз иштирок этган бўлишсада, саралаш мусобақаларида жаҳоннинг иккинчи ва учинчи юзталигидан ўрин олган моҳир теннисчилар қатнашганлиги сабабли бу гал юрдошларимизга омад қўлиб бoқмади. Ушбу турнирда ғолиб чиққан Лаура Зойко (Хорватия), Антон Дулиус (Франция), Жим Делгадо (Буюк Британия) ҳамда Жонатан Эрлих (Исроил)лар асосий сет ўйинларида қатнашадиган 32 теннисчи сафларидан ўрин олишди. Шунингдек, ўтган икки кун ичида кортда теннис ишқибозлари учун оилавий байрам тadbири, спортчи ва ташкилотчилар учун эса Тошкент музейларига экскурсиялар уюштирилди.

Бугун

соат 15да асосий мусобақалар бошланади. Соат 19да эса турнирнинг расмий очилиши ва ёпиқ кортдаги дастлабки ўйин ўтказилади. Жуфтликлар ўртасида Денис Голованов (Россия) — Абдуҳамид Махшамов (Ўзбекистон) бугун Сандер Гроен ва Ян Семерник (иккови Голландиядан)ларга қарши кортга тушади. Олег Огородов (Ўзбекистон) ва Саргис Саргисян (Арманистон) жуфтлиги оқшомада Митч Сирингелмейер (АҚШ) — Мил Уикфелд (Жанубий Африка Республикаси) жуфтлиги билан беллашади. Яқка тартибдаги спортчилар ўртасида ҳамшаҳримиз Олег Огородов курага кура турнирининг энг қучли ракеткаси Марат Сафин билан бахсга киришса, Вадим Куценонинг рақибни Жонатан Эрлих (Исроил) бўлди.

Даврон ИСАЕВ.



СУРАТЛАРДА: Президент кубоги турнирининг саралаш беллашувларида лавҳалар. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

БИЛЛУР СЎВРИН — «БЕКТЕМИР»ДА

Ажойиб анъана тусига кирган ёш футболчилардан етакчи жамоаларга моҳир ўйинчилар етиштириб бериш, пойтахт футболини ривожлантиришдек хайрли мақсадларни қўлаб Ўзбекистон чемпионати II лига жамоалари ўртасида ўтказиладиган Тошкент шаҳар ҳокими кубоги учун бу йилги мусобақалар ҳам поёнига етди. Ўтган жума кунни футбол ишқибозлари билан тавжум «Пахтакор»

ўйингоҳига ҳал қилувчи финал баҳсида беллашув учун республика Ички Ишлар Вазирлигининг «Академия» ҳамда Бектемир туманининг «Бектемир» жамоалари майдонга тушди. Шунин айтиш керакки, март ойида бошланган Кубок мусобақаларида шаҳримизнинг барча туманларидан жами 22 жамоа ғалаба учун кураш олиб борди. Деярли барча беллашувлар қисқа фарқлар билан якунлангани ҳам

турнирнинг нақадар қизиқarli ва муросансиз кечгани, унинг қучлари нисбатан тенг жамоалар ўртасида ўтганидан далолат беради. Энг муҳими, ҳар иккала жамоа ҳоким Кубоги баҳсларида катта тажриба тўплаганди. «Академия» 1999 йилги Кубок ғолиби ва 1998 йилги мусобақа финалчиси бўлса, «Бектемир» ҳам бундан уч йил аввал финалга чиқиб, иккинчи ўрин билан кифояланган эди. Шуниси қизиқки, 1995 йили Ички

Ишлар Вазирлиги қошида ташкил этилган «Академия»нинг ўйини тобора қовушиб бориб, бу йили команда иккита бўлинди. Жамоаниннг биринчи таркиби биринчи лигадан ўрин олиб, ҳозир улар иккинчи ўринда бормоқдалар. Иккинчи таркиб эса иккинчи лига жамоалари билан куч синашган ҳолда шу кунларда тўртинчи ўринни банд этиб турибди.

(Давоми 4-бетда).

Шунга амин бўлдимки, инсон, барибир, тарих билан бирга яшashi керак. Қайси маънода? Мустақилликнинг моҳиятини англаш, қадрига етиш учун камиди шўро замонадаги тарих, жамият, давлат қанақа эканлиги ва унда ўзбек халқининг аҳоли қандай бўлганини теран англаб, таҳлил қила олишимиз шарт. Акс ҳолда, ёмондан яхшини ажратолмаймиз, икки тузум ўртасида фарқ тополмаймиз, кўп нарсанинг тагига етолмаймиз, сабабини аниқлаб-маймиз.

Очигини айтганда, кўпларда тарихни мушоҳада қилиш туйғуси унчалар кучли бўлмас экан. Акс ҳолда, ҳар биримиз, мана, тўққиз йил ичида ҳаётимизда айнан нимадир ўзгаргани, биз амалда қандай жамиятдан кутулиб, қанақа жамиятда яшашганимизни обдон ўйлаб кўрган бўлар эдик. Шунда ораимизда ўтмиш тузумни кўрсатдиғандар топилади. Янги давлат қуриш, бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтиш даврининг мушкулотларидан ўчидиғандар учрамасди.

Шўро замонини биров ундоқ, бошқаси мунодоқ деб эслайди. Келинг, биргалашиб, бир бамайлихотир бўлиб эслайлик. Ишхонадан пахтага борганмиз. Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманига. Кенга яқин автобуслар қолоннаси келди. Ҳаммамиз Тошкентга қайтмас экан, деб хурсанд бўлиб, нарсаларни йиғиштириб, автобусларга жойлашдик. Колонна Сирдарёга қараб ҳайдади. Ҳамма ҳайрон. Ҳеч ким бизга қадқа кетаётганимизни айтгани йўқ. Сирдарёдан ўтиб, Жиззахнинг бир чўл туманига бордик. Ҳеч ким биздан: «Сен шунга розимисан?» — деб сўрагани йўқ. Ёши улуглар бор, касалмандлар бор. Бола-чақа Тошкентда. Бу ёғи киш яқинлашган. Уйда қанча иш, қанча ташвиш...

Маънавий томондан-чи? Амир Темурни, ҳатто, халқ эртагида бўлса ҳам, тилга олма, Аҳмад Ясавийни ўқима, Фитрат, Чўлпонни эслама, Навоийда «бисмиллоҳ» раҳмонини раҳим» учраса, қисқартириб ташла...

Фитрат билан Чўлпон-ку — майли, лекин Ясавий, Темур, Навоий шўронини тушида кўрибми? Ахир, булар, аслида, шўро тузумига қарши нима қилибди экан?!

Ҳозир ўйлаб кўрсак, ўзи йўқ эди бу одамларнинг, аллазамонларда тупроқ бўлиб кетган... Коммунистик мафкура миллатнинг фахрларидан ўлгулук қўқар экан. Уларнинг ўзидан эмас, номидан, фикридан, гоёсидан чўчирди. Халқ бизга эмас,

ўз даҳларига эргашди, деб хавотир қилган. Уларнинг меросидан баҳраманд бўлиш мумкин эмас, биз ўшаларнинг вориси — авлодимиз, дейиш мумкин эмас.

Авлодни аждодидан, фарзандни отасидан тондиришнинг бундан баттарин намунасини тарих кўрмаган бўлса керак?!

Қисқаси, бир давлат ичида иккинчи «давлат», бир манфаат ичида иккинчи «манфаат», бир сиёсат ичида иккинчи «сиёсат» бор эди.

Ҳали ҳам, зўр миллат, кучли халқ эканлигимиз, зиёлиси ўлмаган, эътиқоди сўнмаган, иймони бутун, ироласи мустаҳкам халқ бўлганимиз учун шундай мустабид даврлардан миллат миллатлигини йўқотмай ўтди. Оз-моз йўқотган, ютқизган еримиз бор, албатта. Лекин, умуман олганда, халқ халқлигини унутмади.

Мустақилликкача Ўзбекистон деган бир ўлкада ўзбек тили ва адабиёти бўйича аспирантуралар кўра рус тили ва адабиёти соҳасида аспирантурада ўқийдиганлар сонини кўп эди. Биз тенгилардан фақат икки кишининггина мақсадли (кундузги) аспирантурада ўқиб, ўзбек адабиёти бўйича диссертация ёзганини биламан.

Ийғирма йилга яқин Ўзбекистон Фанлар академиясида ишлаганман. Майдан декабрнинг ўрталаригача ёш илмий ходимларнинг умри далада ўтарди. Олим бўламан деган ўзбек шунга мажбур эди. Баъзан ўзи академияни қишлоқ ҳўжалигини юритиш учун тузиб қўйганим, деб ҳам ўйлардик. Бу шўро давлати ишни тўғри ташкил қила олмаганлигини, ишлаб чиқаришни азбаройи зўравонлик, бўйруқбозлик билан базўр амалга оширганлигини кўрсатмайдими?!

Мустақиллик одамларга эркин фикрлаш ҳуқуқини берди. Кимки шу замонда ҳам эркин фикр юритолмаётган, ҳаётда ўз муносиб йўлини топилаётган бўлса, у ё қобилятиз, ё дангаса, ё ҳали-ҳануз эски тасавурларидан қутулмай, янгича яшашга ўрганомай юрибди.

Радиони тинглаб, телекўрсатувларни томоша қилиб, тўққиз йил мобайнида халқи-

миз гапиришни ўрганганига қувонаман. Эски журналистлар айтсин, олдий меҳнаткаш тугул, ташкилот раҳбарини гапиртириш ҳам мушкул эди. Аввал эзиб, қўлига тутқазар эдингиз, ўшани тўғри ўқиб берса ҳам, кўп-қўп эди. Чунки, ахир, нутқ қанон ривожланган? Одамлар фикрлай бошласа!

Лекин ҳозирги фикрлашимиз мамлакатимиз ва халқимизни тезроқ илғор ҳаётга олиб чиқиш учун етарли эмас. Ҳар қандай фикр-ғоя реал ҳаётга — яратувчиликка ай-

ланиши учун кучли интилиш жонланиши ва бу оммавий тус олиши керак. Навоий замонини — Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган даврда Хуросонда юз берган тараққиётни Заҳриддин Муҳаммад Бобур: «Кимки бирор ишнинг этагини тутса, ўша соҳани тақомилга етказар эди», — дея баҳолайди.

Бу халқимизнинг ёппасига тараққиётга интилан бир даври эди. Ҳозир ҳам шундай замон бошланди. Ҳар ким бир йўли ўйласа, ниманидир яратиш ишқиде ёна, ниманидир ихтиро қилса, ўзини намоён қилишнинг минг бир йўлини изласа...

Дунё — барибир, ўткинчи. Беш кунлик умрни фақат ва фақат эзулик йўлидаги яратувчилик самараларини қолдириш билангина чўзиш мумкин. Шунда бир киши амалда ўн, юз, ҳатто, минг кишининг ишини қила олади. Ҳар қандай тараққиёт шу тарзда бўлиб беради. Бундай кутилмаган жиҳатдан катта тараққиёт майдонларига чиқиб олишимиз учун одамларимизда ташаббус, фидоийлик, ихтирочилик, жонни жабборга бериб ишлаш-изланиш фазилатлари камолга етиши лозим.

Шахсий ташаббус, шахсий бойлик, шахсий истеълод — бу мафкуранинг душмани эди. Эски тузумни кўрсатқандар ораимизда йўқ эмаслиги кишини ачинтиради. Шулар ўзимизни эмас, дунёни, жаҳондаги бу тизимнинг тақдирини бир мушоҳада қилсин. 1989 йили гарбий ва шарқий Германия ўртасидаги тарихий девор қулади. Одамлар шарқий Германиядан гарбий Германия ҳу-

дига ёпирилиб кирди. Бир неча кун шу ҳолида давом этди. Нета гарбдан шарққа ўтмади? Сабабки, гарбий Германия демократия ва бозор иқтисодиёти билан шу даражада юксак тараққиётга эришдики, шарқ ундан анча орқда қолиб кетди.

Одамлар юксакликка интиладилар. Мана, ўн бир йилдирки, шарқий Германияда демократия ва бозор иқтисодиёти жорий этилиб, икки Германия ўртасидаги фарқларни бартараф этиш учун кучли ҳаракат кетяпти.

Ёки Кореяни олинг. Шимолий Корея оролининг ундан икки қисмини эгаллайди. Аҳолиси — 20 миллион. Жанубий Корея эса оролининг ундан икки қисмини ташкил этади. Аҳолиси қарийб икки ярим баробар — 47 миллион. Лекин турмуш даражасида Жанубий Корея жуда олдинда. Бозор иқтисодиёти ўз устунигини кўрсатгани шу бўлса керак.

Бунини шу маънода айтпайманки, коммунистик мафкура ҳукмрон мамлакатдагина тараққиёт бўлиши мушкул. Россия 1913 йилги кўрсаткичлар бўйича, дастлабки 6-7 мамлакатнинг бири эди. Социализм, аввало, Россиянинг ўзини тараққиётдан орқага сурди. Ҳозир у жаҳоннинг мутараққий давлатлари сафида эмас.

Шундай экан, биз ҳар тарафлама қолақ тузумдан воз кечиб, илғор тузумга ўтганимизни ҳамма тушуниши шарт. Акс ҳолда, ўтиш даврининг мушкулотларини тўғри ҳис этиб, тўғри баҳолаш қийин кечади.

Социализм сунъий, инсоният табиатида зид, келажак йўқ, тараққиётга олиб бормайдиган тизим эди. Уни тарихнинг ўзи инкор этди, ҳаёт саҳнасидан итқитиб ташлади.

Шундай жамиятдан намунаси кўп давлатларда яққол кўриниб турган тузумга ўтишимиз. Лекин бу иш осонликча амалга ошмаслиги аниқ. Ҳеч кимга ҳам осон бўлмаган. Ҳеч бир халқ ўз-ўзича юксак турмуш даражасига эришмаган.

Шунга ҳеч қандай шубҳа йўқки, йўлимиз тўғри ва у бизни ривожлантиради, инсоний ҳусусиятларимизни, одамнинг яратувчилик фазилатини қучайтиради. Самара нуктаи назаридан илгари бир одам булган киши энди ўн одамга айланган, ўн одамнинг кучини кўрсатади. Чунки энди билан ва тафаккур кучини кўрсатиш имкони очилди. Дунё аллақачонлар асосий сармоя сифатида ақлни ишлатиш йўлига ўтган. Биз эса истибод замонида ҳисмоний кўчимизни сотиб кун кўришдан бошқа имкони йўқ бир қавмга айлантирилган эдик.

Биз янги замонга кириб бораёмиз.

Султонмурод ОЛИМ.

Публицист минбари

ИСТИҚЛОЛ ҚАНДАЙ ВОҚЕА?

Ҳали ҳам, зўр миллат, кучли халқ эканлигимиз, зиёлиси ўлмаган, эътиқоди сўнмаган, иймони бутун, ироласи мустаҳкам халқ бўлганимиз учун шундай мустабид даврлардан миллат миллатлигини йўқотмай ўтди. Оз-моз йўқотган, ютқизган еримиз бор, албатта. Лекин, умуман олганда, халқ халқлигини унутмади.

Мустақилликкача Ўзбекистон деган бир ўлкада ўзбек тили ва адабиёти бўйича аспирантуралар кўра рус тили ва адабиёти соҳасида аспирантурада ўқийдиганлар сонини кўп эди. Биз тенгилардан фақат икки кишининггина мақсадли (кундузги) аспирантурада ўқиб, ўзбек адабиёти бўйича диссертация ёзганини биламан.

Ийғирма йилга яқин Ўзбекистон Фанлар академиясида ишлаганман. Майдан декабрнинг ўрталаригача ёш илмий ходимларнинг умри далада ўтарди. Олим бўламан деган ўзбек шунга мажбур эди. Баъзан ўзи академияни қишлоқ ҳўжалигини юритиш учун тузиб қўйганим, деб ҳам ўйлардик. Бу шўро давлати ишни тўғри ташкил қила олмаганлигини, ишлаб чиқаришни азбаройи зўравонлик, бўйруқбозлик билан базўр амалга оширганлигини кўрсатмайдими?!

Мустақиллик одамларга эркин фикрлаш ҳуқуқини берди. Кимки шу замонда ҳам эркин фикр юритолмаётган, ҳаётда ўз муносиб йўлини топилаётган бўлса, у ё қобилятиз, ё дангаса, ё ҳали-ҳануз эски тасавурларидан қутулмай, янгича яшашга ўрганомай юрибди.

Радиони тинглаб, телекўрсатувларни томоша қилиб, тўққиз йил мобайнида халқи-

ланиши учун кучли интилиш жонланиши ва бу оммавий тус олиши керак.

Навоий замонини — Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган даврда Хуросонда юз берган тараққиётни Заҳриддин Муҳаммад Бобур: «Кимки бирор ишнинг этагини тутса, ўша соҳани тақомилга етказар эди», — дея баҳолайди.

Бу халқимизнинг ёппасига тараққиётга интилан бир даври эди. Ҳозир ҳам шундай замон бошланди. Ҳар ким бир йўли ўйласа, ниманидир яратиш ишқиде ёна, ниманидир ихтиро қилса, ўзини намоён қилишнинг минг бир йўлини изласа...

Дунё — барибир, ўткинчи. Беш кунлик умрни фақат ва фақат эзулик йўлидаги яратувчилик самараларини қолдириш билангина чўзиш мумкин. Шунда бир киши амалда ўн, юз, ҳатто, минг кишининг ишини қила олади. Ҳар қандай тараққиёт шу тарзда бўлиб беради. Бундай кутилмаган жиҳатдан катта тараққиёт майдонларига чиқиб олишимиз учун одамларимизда ташаббус, фидоийлик, ихтирочилик, жонни жабборга бериб ишлаш-изланиш фазилатлари камолга етиши лозим.

Шахсий ташаббус, шахсий бойлик, шахсий истеълод — бу мафкуранинг душмани эди.

Эски тузумни кўрсатқандар ораимизда йўқ эмаслиги кишини ачинтиради. Шулар ўзимизни эмас, дунёни, жаҳондаги бу тизимнинг тақдирини бир мушоҳада қилсин.

1989 йили гарбий ва шарқий Германия ўртасидаги тарихий девор қулади. Одамлар шарқий Германиядан гарбий Германия ҳу-

Маҳалла

Янги гузарда шодиёна

Юртимиз озод бўлгандан сўнг барча миллий урф-одатларимиз ва маданиятимиз тикланиб, тадбир ва маросимларимиз ҳам ўзгача тарзда нишонланган бўлди.

Хусусан пойтахтимизнинг барча маҳаллаларида тўю томоша ва турли маросимлар ўтказиш учун маҳалла гузарлари қурилиб обод бўлими, ҳамда турли компютер уйинларидан фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, гузарда тўю томошалардан ташқари маънавий-маърифий тадбирлар ҳам ўтказилиб турилади. Гузарнинг тантанали очилиши «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими ҳомийлигида 11 нафар кам таъминланган оила-

лар фарзандларининг суннат тўйларини ўтказиш билан уланиб кетди. «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси туман бўлими томонидан хатна тўйлари нишонланган 11 нафар ўғлонлар учун туман «Пахта банки» бўлимида ҳисоб рақамлари очилиб, омонат дафтарларига 2 минг сўмдан маблағ қўйилганлиги яна бир хайри иш бўлди.

Маросимдан сўнг мазкур гузарда маҳалла фаоллари, ота-оналар ва турли касб эгалари иштирокida «Она бир — Ватан ягона» деб номланган давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди.

Ушбу масканда бундан кейин ҳам худди ана шундай хайри тадбирлар мунтазам ўтказилиб турилади.

Очил ҲАЗРАТОВ.



СУРАТДА: тантанадан лавҳа.

Бурхон Ризоқулов олган сурат.

Ўғлининг туғилган кунини учун тайёрлаган мантисини оловга қўйман деган Мастурунинг кайфияти туши-кетди. Газни афсуски деб бураса, афсуски у ўчиб қолибди. Энди нима қилди? Хали замон меҳмонлар келиб қолади. Уларга чой қайнатиб, овқат пишириши керак...

Шундай ўй-хаёллар билан тумангадас хизматига қўнғироқ қилган аёл, навбатчидан авария содир бўлганини, икки-уч соат газ бўлмаслигини эшитиб хафсаласи пир бўлди. «Келиб-келиб шу бўғунга қараб турган экан-да шу аварияси ҳам...» деб тўнғиллади-ю шу пайтда икки кун аввал келиб оғохлантириб кетган тумангадас ходимининг гаплари ёдига тушди: «Қарзларингиз анчага етиб қолди, агар ҳар бир хонадон эгаси газини ёқиб, пулини тўламай юрса, бу аҳолини газ билан таъминлашда қийинчиликлар, муаммолар туғдиради. Эски газ қувурлари ўз вақтида таъмирланмаса ҳар хил носозликлар оқибатида авариялар содир бўлади. Ахир, нафақат бир кун, хонадонингизда бир соат газ бўлмаслигини тасаввур қилинг».

Ана шунда Мастура «Хўп, хўп...» деб қўтилиб қўн қолганди. Уна бугун эса худди ўша одам айтган ахволга тушиб ўтирибди. Яхшиям тумангадас ходими фақат оғохлантириб кетди, газни ўчириб кетмади, ана ундаги аҳолини тасаввур қилинг... Ҳа, айти кўнимизда «зангори олов» аҳолининг беминнат даст-берига айланган десак, ҳеч бир му-болага бўлмайди. Тўғриси, усиз турмушимизни тасаввур этиш қийин. Лекин кўнчилигимиз ана шун-

дай беминнат даст-берига етганимизми?

— Афсуски, йўқ, — дейди «Тош-ГАЗ» бошқармаси бош муҳандиси

Собир Кўчаров. — Пойтахтимизда бошқарманинг томонидан узлуқсиз ва хавф-хатарсиз етказиб берила-ётган газни ёқиб, лекин ҳақи ча-каддан хонадон соҳиблари анча-гина. Улар бошқарманинг, шунинг-дек «Тумангаз» идорадаги ходим-ларнинг тушунтиришларига қара-май, охириги чора — хонадондаги газни тармоқдан узиб қўймаганимизча ҳақини тўламайдилар. Ахир пойтахт аҳолисини «зангори олов» билан узлуқсиз таъминлаш йўли-да 1400 нафардан ортиқ ходим-лар тер тўкиб меҳнат қилишмоқ-да. Улар ўзининг асосий ишлари қилиб, истеъмолчилардан ўйма-уй юриб газ ҳақини ундириш билан овора бўлишмоқда. Шуниси ажа-бонарлики, ходимларимиз таширф буюрган хонадонларнинг туриш-туруши яхши, ўзига туқ оиналар, лекин улардан ёқилган газ учун тўловни ундириб олганинигизча

«она сутингиз оғзингизга келад».

Бош муҳандиснинг таъкидлаши-ча, бундай одамлар шахримизнинг ҳар бир туманида ўнлаб топилади.

Бошқармадан олинган рўйхатда келтирилган қарзларни қўриб, ёқа-улайсиз. Шунча қарзлари бўла-туриб, газдан бемалол фойдала-наётган, ўқисиди қўймаётган ким-саларга «офарин»лар айтасиз. Ҳам-

дан ноконуний фойдаланаётган ҳоллар ҳам тез-тез аниқланамоқда. Акмал Икромов туманидан Қоди-ров (Н. Ҳўжаев, 51), Исмолов (Бо-ситхон, 18), Қудратов (1-Ғулистон, 1)лар ноконуний тарзда газни ре-зиса ичак билан улаб хатарли ра-вишда фойдаланаётгани аниқлан-ди ва уларга тегишли чоралар қўрилди.

— Шаҳар бўйича 4.300 километ-рдан ортиқ газ қувурлари мавжуд бўлиб, айти пайтда график бўйи-ча улардаги носозликлар махсус тузилган гуруҳ тегишривиди аниқ-ланиб, емирилганлари тўла таъ-мирдан чиқарилади, — дейди бош муҳандис. — Қувурларни топиш, келтиришдаги муаммоларга қара-май таъмирлаш ишларини имкон қадар давом эттирмоқдамиз. Агар ҳар бир истеъмолчи ишлатилган газ учун ўз вақтида ҳақ тўласа бу ўзларининг фойдасига, яъни уз-луқсиз «зангори олов» билан таъ-минланишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши.

— Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш ўриндир, — дей-ди бошқарманинг техник ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Абдул-ла Асадуллаев. — Вазирлар Мах-камасининг 1999 йил 1 июнда «Ту-рар жой биноларини сув ва газ

ўлчаш асбоблари билан жиҳозлаш ва ҳисоблагичларни ишлаб чиқа-ришни Ўзбекистон Республикасида йўлга қўйиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унга қўра жорий йилда хонадонларга 65 мингга газ ўлчаб асбоблари қўйилиши керак эди. Лекин, афсуски ҳозиргача ҳам-маси бўлиб 20 минггага яқин бун-дай асбоблар ўрнатилди ҳолос. Бун-га асосий сабаб четдан, яъни Хитой ва Туркия давлатларидан келтири-лаётган газ ўлчаб асбобларнинг сифати пастлиги ва нархи қиммат-лигидир. Ўтган йилда пойтахти-миздаги «Оникс» ҳиссадорлик жа-миятида газ ҳисоблагич асбоблари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди.

Лекин у бизнинг эҳтиёжimizни қон-дира олмаяпти. Албатта, биз имкон қадар ҳаракат қилаёلمиз. Чунки ҳар бир хонадонда ана шундай ускуна-нинг бўлиши газни исроф қилмай тежаб ишлатишда муҳим омил бўла-ди. Шу билан бирга ҳар бир хона-дон эгаси ҳисоблагичга ўзи сарф-лаган газ учун ҳеч оғринмай ҳақини тўлайди.

Халқимиз орасида азал-азалдан «Ҳисобини билмаган ҳамёндан ай-рилар» деган ибратий гап бор. Ана шундан келиб чиқиб, газдан фой-даланганлик ҳақини тўламаётганлар-га шунга айтиш лозимки, хонадонин-гизда доимо «зангори олов» бўли-шини истасангиз, турли бахоналар қўйиб, ҳақини вақтида тўлаб қўйиш. Ана шунда нафақат ўзин-гизга, балки кўни-қўшини, маҳалла-дошларингизга ҳам қулайлик ярат-дан бўласиз ҳамда газ ходимлари-ни олдинда турган қўлпаб муаммолар-нинг ечилишига ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

Шарофат БАХРОМОВА.

Президенти Вазирлар Маҳкамасининг мамла-кат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисо-дий ислохотларнинг 2000 йил биринчи ярми якуна-рига бағишлаб ўтказилган мажлисидаги маъруза-сида ўрта ва кичик бизнес фаолиятига ҳам алоҳида тўхталиб, тадбиркорликни рағбатлантирувчи, уни кафолатлайдиган кучли тизим яратилганлиги, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлик билан шугулланувчи шахслар учун солиқ тўлов тизимига сезиларли даражада енгиллик киритил-ганлигини таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга тадбиркорликни ривожлантиришдаги айрим тўсиқ-лар, камчиликлар ҳақида гапириб, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш зарурлигини уқтирдилар.

Албатта, кичик ва ўрта бизнес ривожига, улар-нинг ўз махсулотлари билан иқтисодиётимизни юксалтиришга қўшадиган ҳиссасини оширишда жойларда фаоллашган кўрсатилган товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ўзига хос ўрни бўлиши лозим. Яққасарой тумани товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Пўлат ЗАРИПОВ айти кўнларда амалга оширилаётган ишлар ва тадбиркорликни ривожлан-тириш учун белгиланган чора-тадбирлар, вазифа-лар ҳақида қўйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

Мусохаба

ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

— Жамоамиз ходимлари асосий эътиборни Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Мах-камасининг қарорлари ҳамда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни чуқур ўрганган ҳолда ўрта, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

2000 йил бошидан буён палата аъзоллигига 53 та субъект қабул қилинди. Ҳозиргача барча аъзоларимиз сони 1955 та кичик ва ўрта бизнес субъектини ташкил қилади. Бундан ташқари 124 та тадбиркорлик субъектла-ри шартномалар тузилган, лекин иш фаолияти эндигина йўлга қўйилганлиги сабабли улар кириш ва аъзолик ба-далларини тўлаш имкониятига эга эмас. Шу мақсадда палата мутахассислари аъзоликка кириш учун ҳалақит бе-раётган муаммоларни бартараф этиш, шунингдек корхо-наларни рўйхатга олиш бўлими билан ҳамкорликда ҳар ойда корхоналарнинг янги ташкил қилинаётгани ва туга-тилаётгани тўғрисида рўйхатлар тузиб ўрганиб чиқмоқда-лар. Тадбиркорларга ёрдам бериш мақсадида солиқ тўловлари ва кредит лойиҳаларини амалга ошириш бўй-ча китобчалар бепул тарқатилмоқда.

— Тадбиркорларга кредитлар олишда палатада қандай амалий ёрдам кўрсатилади?

— Палата тумандаги технологик ва моддий имконияти бўлган тадбиркорлик субъектларини кредит ресурслари билан таъминлашда кўмаклашмоқда. Шу йилнинг март ойида «Авиа тижорат» банки раҳбарияти билан учрашув уюштирилди ва кредит олиш бўйича маслаҳат ва тушун-тириш берилди. Тумандаги «Арсенал Азия» масъулияти чекланган жамиятига 20 миллион сўм, «Бонус» масъулият-ти чекланган жамиятига 30 миллион сўм, «Болгар косме-тик» қўшма корхонасига 50 миллион сўм ҳамда хусусий тадбиркорлар А. Тимченко ва А. Назаровларга, шунинг-дек бошқа тадбиркорларга кредит олишда ёрдам бер-дик. Айти пайтда «Кулол сервис» масъулияти чекланган жамиятининг 20 миллион сўмлик кредит лойиҳаси «За-мин» банк томонидан маъқулланиб вилоят бандлик хиз-матига қўриб чиқиш учун топширилган. «Спарта сервис» масъулияти чекланган жамияти ва «Урал савдо палатаси» шўба корхоналарининг АҚШ доллариди кредит олиш лойиҳалари банкларда комплекс тарзда ўрганиб чиқил-моқда. Албатта, юқорида номлари келтирилган ва кичик корхоналарда пойтахтимиз иқтисодиёти ривожига муҳим ҳисса қўиш ишларида сифатли ва рақобатбардощ махсу-лотлар ишлаб чиқарилмоқда.

— Ишни тўғри ташкил этишда, тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда палатанинг хиз-матлари қандай бўлмоқда?

— Муаммолар ечимини топиш мақсадида тадбиркор-ларга корхона номи ва ўз исми шарифларини ёзмаган ҳолда анкета тарқатиб саволларга жавоблар олинди ва ўрганиб чиқиш учун туман ҳокимлигига топширилди. Тад-биркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақса-дида палата ҳисобидан 6 та тадбиркорлик субъектлари-даги ҳисобчилар «Ҳимоя» ҳуқуқ марказида ўқитилди. Июнь ойида «Бизнес фонд» билан ҳамкорликда ўрта ва кичик бизнес субъектларининг рўйхатдан ўтказилиши ва моли-ялаштирилиши лойиҳалари бўйича ўқиш ўтказилиб, унда 300 нафарга яқин киши қатнашди.

Палата доимий равишда Германия, Жанубий Корея, Бангладеш ва бошқа давлатлардан келган ишбилармон-лар гуруҳлари билан ҳам учрашувлар ўтказилиб, тадбир-корларимиз уларнинг иш таҳрибалари билан танишиб бормоқдалар. Тумандаги 16 та тадбиркорлик субъектла-ри шаҳар ҳокимлиги мувофиқлаштирувчи кенгаши иши гуруҳлари билан учрашди. Ҳафтининг ҳар сешанба кў

Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми, академик Малик Набиев дунёнинг ўттиздан зиёд мамлакатларида бўлиб, миниятура суратларидан бирида номаълум мусаввирнинг «Камолиддин Бехзод» портретини уратган холос. У ҳам бўлса йигитлик пайти экан. Бошқа ҳеч бир жойда Бехзод қиёфасини кўрмайди.

Шуниси қувончлики, Камолиддин Бехзод ижоди ва ҳаёти республикада ўз кадр-қимматини топди.

Унинг таърифи Европа мамлакатларига етиб бориб, манамен деган рассомлардан франциялик Анри Матисе уни «устозим» деб атаган.

Камолиддин Бехзод Европа рассомлигини билсада, бирор рассом ишига тақлид қилмай, улардан ўрганмай, шарқ руҳияти билан яшаган. Нафақат китобга мос расмлар, тўйиб-тўйиб томоша қиладиган, анча йирик ишланган рангтасвир асарлар, портретлар ҳам яратган. Деворий расмлар ҳам ишлаганлиги ҳақида манбаларда яхшигина маълумотлар борлигини биламиз. Ижодидан портрет, манзара, натюрморт жанрлари шунақа жонланганки, Навоий бобомиз ҳам унга юксак баҳо берган. Булар алоҳида ишланмаган бўлсада, картиналари композициясига сингиб кетган.

Ҳозирги рассомлик жанрларига нисбатан анча мураккаб, жозибали ва нафис ишланган. Мусаввир Малик Набиев Бехзод ижодидан ана шу муҳим ва зарур томонларни чуқур ўрганиб, Бехзод қиёфасини яратиш учун самарали ижод қилди. Ниҳоят чорак асрлик изланишлардан сўнг, ижодхонасида катта-кичик бир неча Бехзоднинг қиёфаларини оддий қалам, рангтасвирларда илҳам ва гўзал акс эттирди. Булар ҳомаки асарлар бўлиб, бирида Бехзоднинг ўй-хаёллари акс этган бўлса, бошқасида ақл-закоғи тўлиқлиги, устки кийимлари, ижодхонасидаги ҳолат — мусаввирлик иш анжомлари, ранг танлашлари маҳорат билан акс эттирилган. Бехзод қиёфасини яратишга аҳд қилган мусаввир Малик Набиев ўтган йилдан бошлаб жиддий ишга киришган бўлса-да, «Мен Бехзод қиёфасини яратаялман» деб ҳеч кимга билдиришни эп кўрмади. Бехзод қиёфасини яратишга уринган мусаввирларимиз асарларини кузатиб борган. Айримларидан кўнгиллари тўлган бўлса, айримлари ёқмаган. Кўпчилиги шовма-шошарлик билан қилинганлигини сезган Малик ака яна ҳам жиддийроқ ишга киришган. Кўз олдига Бехзод-

нинг қандай инсонлиги тобора акс этаверган. Одатда ҳар қандай инсоннинг қимлиги унинг кўзидан билинади, дейишди. Малик ака ҳам Бехзоднинг кўзларига катта эътибор билан ёндашди. Кейин эса юз ифодаси, кийимлари, ижод жараёнларини бирма-бир ёрқин акс эттирди. Малик Набиев ижодхонасидаги асарларига назар ташласангиз, дунёга машҳур Беруний, Соҳибқирон Амир Темур, Бобур, Аҳмад Фарғоний ва бошқа ноёб асарларнинг ҳам худди шундай услубда маҳорат билан яратилганлигининг гувоҳи бўласиз. Бу дурдона асарлар реал — ҳаёт, оммабон, рангларнинг тиниқлиги билан киши диққатини ўзига тортади.

Мусаввир Малик Набиев Камолиддин Бехзоднинг уч кўриниши: йигитлиги, ўрта ёшлиги ва ниҳоят кексалигини тасвирлаган. Шу пайтгача унинг

кексалик даври тасвирланмаган эди. Бу тасвирлар Бехзод таваллудига бағишланган кўргазмага қўйилиши айниқса қувонарли бўлди. Мусаввир Бехзоднинг кексайгандаги ҳолатини бутун вужудидан нур ёғилиб турган, мутафаккирона чехрасини, бошидаги салла, эгнисидаги яланг тўн, қўлида мўйкалам, ижод қилаётган ҳолатини ўта маҳорат билан намоён этган. Бехзоднинг қаршида тур

ли мўйкаламлар, бўёқлар, хона деворларида ижод намуналари — Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон ва бошқалар. Шу суратларнинг ўзи Бехзоднинг қайси даврларда яшаб, ижод қилганидан далolat бериб турибди.


Биз Камолиддин Бехзоднинг сўнгги ҳаёти, ҳамон ижоддан тўхтамаган ҳолатини кўрамиз. У яратган портретлар китоб ҳажмига мослаб эмас, миниятура йўналишида бирмунча каттароқ ишланган. Ранг мажмуаларига амал қилинган, чама, ўлчамлар тўғри олинган, энг муҳими, ҳар бир тасвир қилинган тушган. Асарнинг жозибаси ҳам ана шунда.

Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми, яқинда Президентимизнинг Фармонида кўра «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган Малик Набиев яратган «Бехзоднинг кексалиги» портретидан мусаввирнинг меҳнат самараси аққол сезилиб турибди. Ўта синчковлик билан яратилган бу тарихий шахснинг тўла-тўқис қиёфасида унинг кексалиги ишонarli даражада тўлиқ акс этиб турибди.

Махмуд АХМЕДОВ,
санъатшунос.



Дарс олдидан.



Компьютерда ишлаш.

Равиль Альбеков олган суратлар.

ШАРҚ ДУРДОНАЛАРИ

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИШ ДОМО БУЛАВ...

◆ Ҳар ким агар ёшлигидан беодоб кишилар ичида ўсиб улғайса, катта бўлган, унинг вужудига ўрнашиб олган бадфёёлик иллатини чиқариб ташлаш қийин бўлади.

Байт:

Гудаклидан ёмон феълга ўрганса,

Юз меҳнат-ла уни кам қилиб бўлмас.

Яхши йўлга солай дебон урини,

Ўсиб қотган шохни ҳам қилиб бўлмас!

◆ Азизим, баджаҳл кишилар билан дўст ва ҳамсухбат бўлмагани, уларнинг аҳди бўш ва вафо биноси заиф бўлади. Улар мурувват юзини жафо тирноғи билан тирнайдилар, мардоналик чашмасини номардлик тупроғи билан лойқалайдилар. Уларнинг назарида дўстликнинг ҳурмати-ю, эски улфатликнинг қадр қиммати бўлмайди.

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ.

◆ Билгинки, ҳақимлар беҳунар кишини «қанотсиз куш» деб номлаганлар. Яъни қушнинг парвози учун қанот бўлиши шарт. Хунар ҳам барча ишларда киши учун зарурдир. Бойлар, шон-шавкатли улуг кишилар ҳам молу неъматлари ер қуррасини қоплайдиган даражада кўп бўлса ҳам, ўз фарзандларини касбу камол ва қобилиятга тарғиб қиладилар. Демак, оддий халқ хунар ўрганишни ўз фаровонлигининг ва маишатининг асосий шарт деб билишлари зарур, балки мажбурдир.

◆ Саодатманд ақл эгалари фарзандларини худди киши аъзосига ўхшатадилар. Ҳар бир аъзо ўз эгасига қанчалик иш берадиган бўлса ўша аъзони бошқаларига нисбатан кўпроқ эъзозлайдилар. Фарзанд қанчалик азиз ва муқаррам бўлмасин агар у одоб зийнатидан бенасиб бўлса кўриш қувватидан холи кўзга ўхшайди.

Байт:

Фарзанд бўлса агар ноаҳил бадкор,

Ҳосилсиз дарахтир бесамар, беор!

Бархурдор ибн МАХМУД.

◆ Эй азиз, сен доимо олим ва фозил кишилар билан суҳбатдош бўлишга интил, нодон ва маданиятсиз кишилардан қоч, уларнинг тоифасига қўшилма, сўзларини эшитма, ҳаттоки, касал бўлиб қолса ҳам кўришга борма! Сен яхши дўстлар топишга урин, улар сени ҳар доим қўллаб-қувватлайдилар.

◆ Эй азиз! Билгинки, ҳақиқий суҳбат одамнинг қалбига қараб бўлади, яъни одамнинг дилидан бировнинг дилига йўл очилмагунча икки кишининг орасида ҳақиқий суҳбат, муҳаббат ва пайвандлик ҳосил бўлмайди. Шунинг учун донолар: «дилдан дилга йўл бор» дея мақол тўқишган. Дил дили тоғандагина улар бир-бирининг аҳолига тушунади, шундагина ҳақиқий суҳбат, софдўстлик пайдо бўлади. Жалолиддин Румий ўз маснавийларида поклар суҳбатини қуйдагича тараннум қилади:

Назм:

Яхшиларнинг суҳбатини кўнглимга сол,

Ҳеч ёмоннинг суҳбатини қилма ҳаёл!

Кўр қизил гул боғ ичин хандон қилур,

Мард киши номардни ҳам инсон қилур.

Тарти сен бўлсанг асар мармар қаби,

Яхши бирла бўлгансен гаҳар қаби!

Муҳаммад ЖАБАЛУДИЙ.

◆ Ҳақимларнинг айтишича, шижоат ва саховат ҳамда хушфёёлик энг аъло фазилатлар бўлиб, бу сифатларга эга бўлган кишилар доимо улуглик сармоясидан баҳрамандлик тоғанлар. Мазкур сифатлар ичида хушхулқлик алоҳида диққатга сазовордир. Негаки, шижоатга ахён-ахёнда иш тушади. Саховат олий фазилат бўлса-да, у барчага мунссар бўлавермайди, унинг улдасидан чиқиш учун кишига ҳар хил шарт-шароитлар керак. Аммо хушхулқлик шундай нарсаси, унга барча одам ета олади. Ёқимли хулқ эгаси бошқаларни хурсанд қилишдан ташқари ўзи ҳам доимо хурсанд юради, бошқалардан эса ўзига муҳаббат ва мулоимлик қайтади.

Қитъа:

Абадий саодатнинг қилими хушфёёликдир,

Аммо унга баъзилар доим мунссар эрмас!

Абулбарокот ҚОДИРИЙ.

◆ Юрагида ғарази бор дўст душмандан баттар.

Байт:

Дўсти учун дилда ғарази бўлиб,

Заҳар сақлаб юрса ҳар киши ниҳон.

Сидқу сафо қутиб умринг ўтказма,

Қора дилдан қутиб бўлмайди эҳсон!

◆ Иккиозламачи дўстан душман яхши!

Байт:

Дўст улки, доимо ростни гапирар,

Душман эса айбиг тутлади ниҳон!

◆ Доимо парҳезгар ва доно кишилар билан маслаҳатлашмоқ керак.

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ.

◆ Искандар Юнон заминидан сафарга отланар экан, устози Арастатолисга қараб деди: «Менга насиҳат бер!» Арастатолис унга деди: «Илм ўрган, ҳар қандай илмни ўрганишдан ор қилма!»

«Махзал ал-улум»дан.

Махмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.

ЯХШИ КАЙФИЯТ ОМИЛЛАРИ

Изтироб, юрак ўйнаши — стрессга кўпчилик аҳамият бермайди, лекин кўп ҳолларда у кийин ахволга олиб келиши мумкин.

Стресс ҳолатини секин-секин портлашга яқинлашадиган бомбага қўёс қилиш мумкин, — деб ёздади Гарвард институтининг олими Герберт Бенсон. Америкалик танқидчи психиатр Шелдон Козэн эса стресс ҳолатини икки турга бўлади. Биринчиси вақтинчалик стресс бўлиб, ишдан айрилиш, катта пул йўқотиш ёки яқин одамидан айрилиш каби нарсаларни айтиш мумкин. Иккинчиси мунтазам стресс бўлиб, бир умр ҳаётдан норози бўлиб яшаш, асабийлашиш, кўпчилик гамгин кайфиятда юришни ҳисоблаш мумкин.

Инсоннинг соғлом бўлиши унинг мустахкам асабига ва яхши ҳаёллар билан яшашга боғлиқдир. Қадимда пайдо бўлган йоға илми, медитация каби нарсалар ҳам инсоннинг психологик ҳолатини яхшилашга қаратилган. Қаҳва, аччиқ чой ва таркибида кофеин бўлган нарсалар юракни тез уришига, асабнинг таранглашишига, уйқусизликка олиб келади. Албатта қаттиқ чарчаганда, дармонсизликда, бош оғриганда бир-ички пивёла қаҳва, аччиқ чой ичиш кишини тикитирилади. Бош оғригининг қолдирига ёрдам беради. Лекин беш-олти пивёла аччиқ чой ёки қаҳва ичиш асаб тизимини ишдан чиқаради, кишини жажддор қилиб қўяди. Сал нарсадан ҳам ҳаяжонланиш, қўнғиш, изтироб чекиш ҳоллари пайдо бўлади. Стресс ҳолатининг бўлмаслиги учун нималар қилиш керак?

Бу саволга жавоб бериш учун аввало ўзимизнинг истеъмол қилаётган нарсаларимизга аҳамият беришимиз керак. Шарқ табobati яхши кайфиятда юришлик учун

қуйидагиларни тавсия қилади:

◆ Қаҳва, аччиқ чой ва таркибида кофеин бўлган нарсаларни истеъмол қилишдан тийилинг. Айниқса, кечқурун ухлаш олдидан уларни ичманг.

◆ Ухлаш олдидан бир пивёла сутга бир чой қошиқ асал аралаштириб ичинг. Ухлашдан бир соат олдин қаттиқ ёки лимон чой ичинг. Асал, сут, қаттиқ лимон чой ёки кўк чой уйқунинг тиниқ бўлишига ва асаб тизимининг мустахкамланишига олиб келади.

◆ Ёғли ва шўр нарсаларни ейишни камайтиринг.

◆ Турли хил мева шарбатларини охишлатиб ичинг. Шарбатларни ичмишда найчалардан фойдаланганингиз маъқул. Айниқса, олма, сабзи, шафтоли, олхури, апельсин, ўрик шарбатлари жуда фойдалидир.

◆ Парҳез наомлардан истеъмол қилинг.

◆ Каттиқ асабийлашганда ёки юрак ўйнаганда бир пивёла совуқ сувга шаккар аралаштириб ичинг.

◆ Пишлоқ, ширин сузма ҳам асабни мустахкам қилади.

◆ Ёнғок, майизни пишлоқ билан ейиш ҳам асабга фойдалидир.

◆ Ўрик баргакларини ёки туршакни чоғга ивиштиб қўйинг. Бир соатлардан кейин бу чойни ичинг.

◆ Хиссийётларга берилмасликка, кўпроқ яхши нарсаларни ўйлашга ёки умуман ҳеч нарсани ўйлашмасликка ҳаракат қилинг.

◆ Ёқимли мусиқаларни ёки қўшиқларни паст овозда эшитинг. Кўрқинчи фильмларни кўрманг, саргузашт китобларини ўқиманг.

◆ Яхши кайфият доимо бизга ёр бўлсин.

Бахриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади.

ИБН СИНО ЎГИТЛАРИ

◆ *Еган бўлсанг таоминг ҳазм бўлмасдан олдин — Яна устига-устак йўқ зарурат.*

Чайнашдан тишлар оқиб бўлган таомни ютма,

Таомнинг энг ёмони бу, қоринга бўлмай оғат.

◆ *Қун аро ҳамдам тушмоқ; тарк этма одатини,*

Танинг топар парварши юзурсанг соғ-саломат.

Дору-дармон ичмакка ўзингни кўп ўргатма,

Дори ичиш ноҳикоз етмасин катта илат.

◆ *Эҳтиёт қил бола қориндалик чоғи,*

Етмай оғат, соғ бўлсинки сўла соғи.

Асра оғирроқ аёл ошқозонини,

Булмасини иштаҳаси қийнаб жонини.

◆ *Қари бели кучи нузар, нимжон бўлур,*

Аҳволида ҳар кун бирор нуқсон бўлур.

Кучли емиш берил, бироқ кам-кам қилиб,

Ҳазми оғирлиқдан хотирни жам қилиб.

Қилма ҳужум танга дору дармон билан,

Тан тозалла мулоим хуш таом билан.

◆ *Ичимшкка музни кўп ишлатма, ёмон,*

Чунки андин асабларинг тоғтай зиён.

Ичирмакка музни сўпи қўлласа ҳам,

Бўлмаса гар семиз, серқон, миқти одам.

АСЛО ДАРА КЎРМАНГ

Яқинда сурункали аллергия касали билан оғриб 1-шаҳар клиник шифохонаси таркибидидаги Аллергия маркази қошидаги аллергия бўлимида даволаниб бунга амин бўлди. Бўлимидаги шифокорларнинг, айниқса Гулнора Мираҳмедованинг ширин сўзлиги, хушмуомалалиги билан беморларнинг дардини енгил қилишини шунда ҳис этдим. Бош ҳамшира Фотима Каримова, Нигора Каримоваларнинг сая-ҳаракатлари бизнинг даволанишимизда жуда асқотди. Айниқса шифохона ўзининг тозаллиги, намунали интизом йўлга қўйилгани билан ажралиб туради. Шифокорларга чин дилдан миннатдорчилик изҳор этамиз.

Бир гуруҳ беморлар номидан:

Дилбар ЖУМАЕВА,
Муфассал МУСАЕВА.

Ватанимизда оналар ва болалар соғлигини сақлаш муассасалари жуда кўп. Бу муассасаларнинг амбулатория-поликлиникаларнинг иши асосан оналар ва болаларнинг соғлигини муҳофаза қилишга қаратилган. Яхши билим ва малакага эга бўлган шифокорлар улар соғлигини тиклаш йўлида хизмат қиладилар. Санаторийларда болалар соғлиқларини тиклайдилар ва дам оладилар. Боғчаларда тарбияланадилар. Лекин болаларнинг эркин ўсишида ота-онанинг ўрни ўзгачадир.

Мулоҳаза

«ОНАЛАР МАКТАБИ» ТАШКИЛ ҚИЛИНСА

Фақат оилада боланинг ҳар бир воқеа-ҳодисаларга қизиқиш ва фикрлаш қобилияти уйғонади. Шунинг учун боланинг соғлом ўсиши ва тарбияланишида, жамиятга муносиб авлод етказишда ота-оналарнинг жавобгарлиги асосий ўрин тутати. Қайси ота-она болаларининг ақли, чиройли, сазой, бақувват бўлишини хоҳламайди.

Болани тарбиялашда ота-оналардан ташқари оиладаги шароит, муҳит, оиладагиларнинг дунёқарашлари, тарбияси боланинг тарбиясига, характерининг шаклланишида ўз таъсирини ўтказиши. Ота-она болани тарбиялашда кун сайин, дам олиш кунисиз ишлаш билан вояга етказиладилар.

Болаларни неча ёшида қандай тарбия қилиш, овқатлантириш ва ёшига қараб қандай муомала қилиш, илми, маданият, бардам, бақувват қилиб вояга етказиш учун ота-оналар ҳам етарли билим олишлари керак.

Оналарга — болаларни тарбиялашда ва соғлом ўстиришда ёрдам бериш учун поликлиникаларда «Оналар мактаби» хонасини ташкил қилиш керак. Бу хонада болаларнинг соғлом ўсиши, овқатланиши, чиниқти-

риш тўғрисида ҳар хил кўргазмалар, куруллар ва методик қўлланмалар бўлиши керак. «Оналар мактаби» хонасида оналар болаларни тарбиялаш, овқатлантириш, ёшига қараб гимнастика ва укаланиш ўргатиш, рахат касалидан муҳофаза қилиш ва «Д» дармондорисини бериш ва бошқа тушунчаларни ўрганадилар.

Имкон бўлган поликлиникаларда «Оналар мактаби» таркибиде болаларни сузишга ўргатадиган ҳовузалар ташкил қилинади. Марказий поликлиникаларда оналар ҳуқуқини муҳофаза қилишга хизмат қилаётган адлия (юрт) масалатчи бўлиши керак. Улар оналарнинг ишлаш ҳуқуқлари, оиладаги ҳуқуқи, яшаш шароитларини яхшилаш масалаларида ёрдам беради.

Боғчалардан, мактаблардан юқори малакали ўқитувчи ва тарбиячилар, шифокорларни тақлиф қилиб, маълум тасдиқланган дастур асосида «Оналар мактаби» очилса, буюк давлат ҳуқуқиде, соғлом, маданият-и-маърифатли кадрларни етказиб беришдек масъулиятли ишда оналаримизга қўлма берган бўлар эдик.

Сандмур ЖАЛИЛОВ,
педиатр.



Сергейи туманидаги 13-туғруқ мажмуи бўлими мудири Муборак Бегматова ёш она билан суҳбатлашмоқда.

Сергей Любич олган сурат.

Табдирлар

«КЎЗИНГИЗДА СЎНМАСИН ЮЛДУЗ»

Собир Раҳимов туманидаги «Дона» қаҳвахонасида туман хотин-қизлар кўмитаси, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман бўлими, туман Қизил Ярим Ой жамиятининг ташаббуси билан кам таъминланган 100 нафар оиланинг фарзандлари учун «Кўзингизда сўнмасин юлдуз» табдири ташкил этилди.

Кеча давомиде болажонлар «Дона» қаҳвахонасининг раҳбари Инобат ая ҳиммати билан тузалган тўқин дастурхон атрофида яйрашди, шезер-қўшиқлар куйлашди. Шу кун И. Охунбобоев номли Ёш томошабинлар театрининг актёрлари ижросидаги сахна асарларидан парчалар, таникли хонандалар ижросидаги шўх қўшиқлар йиғилганлар кўнглига илиқлик ва яхши кайфият бағишладилар.

Табдир сўнггида болаларга ҳомий ташкилотлар томонидан ажратилган ўқув куруллари, кийим-кечаклар топширилди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

Тошкент шаҳридаги

5-Бизнес мактабиде ҳам янги ўқув йили тантанали йиғилиш билан бошланди.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Худди шундай илиқ сузаларни иккинчи финалчи — «Бектемир» жамоаси тўғрисида ҳам айтишимиз мумкин. 1996 йили туман ҳокимлиги қошида ташкил этилган «Бектемир» клуби ҳам дарҳол юқори натижалар кўрсата бошлади. Туманда спортнинг кўпгина турлари, аynиқса футболни ривожлантиришда катта эътибор қаратилаётгани, «ТошАТЭК» ҳиссдорлик жамияти, «Сувмаш», «Иргидро-маш», «Ўзталмоторхолдинг», «Махсуполимер-дренаж» корхоналари, «Виза» жамоа корхонаси, «Кейсаш» қўшма корхонаси, Тошкент ул-гуржи бозори каби корхона ва ташкилотлар ҳомийлиги ва ғамхўрлиги остида жамоанинг ўйини шаклланиб, мустақам таркибга ва бир меъёрадаги ўйинга эга бўлди. Мавсумни «Наврўз» Кубогининг финалида иштирок этишдан бошлаган «Бектемир» ҳозир иккинчи лиганинг етакчи жамоалари қаторида бормоқда.

Ҳар иккала жамоа финалгача босиб ўтган йўлга назар ташлайдиган бўлсак «Академия» «Чилонзор»ни 1:0, «Шайхонтохур Траст» ва республика олий спорт маҳорати мактаби жамоаларини 2:1 ҳисобида енгач ярим финалда йўлланма олган. Сўнг «Осиё УМБ» жамоасини асосий вақт 0:0 ҳисобида тугатганидан кейин пенальтилар бўйича ютиб, ҳал қилувчи баҳсда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган.

«Бектемир» эса «Аскана» ва «Талаба-ТДТУ»ни 2:1, «Яккасарой»ни 2:0 ҳисобида ютиб, ярим финалда «Посбон» жамоасини ўйиндан кейинги пенальтилар бўйича енгган.

Шундай қилиб байрамона руҳ кезаётган «Пахтакор» ўйингоҳида ўзбек эстраласи юлдузлари ва ёш ижрочилар чиқишларидан сўнг майдонга голибни аниқлаш учун ҳар иккала жамоа қўйилган таркибда тушди. Республика Ички Ишлар Вазирлиги академияси курсантларидан ташкил топган «Академия» жамоаси: Алишер Тиллаев, Шерали Эргашев, Сан-жар Саидов, Дилмурод Қодиров, Исмаилов Куттибоев, Темур Турдиев, Пулат Искандаров, Акбар Азизов, Алишер Сатторов, Абдуғани Тошбоев, «Бектемир»: Муроджон Зухуров, Дамир Умраев, Баҳодир Исомиддинов, Шерали Саидқосимов, Радик Асқаров, Аҳмаджон Турғунов, Шавкат Абдураимов (Анвар Солиқов), Ҳасан Дуйсенбоев (Улугбек Ҳасанов), Шуҳрат Эргашев, Саъдулла Солиев (Абду-жаббор Маъруфалиев).

Ўйинни ҳар иккала жамоа ҳужумкорлик руҳида бошлади. Дастлаб «Академия» ҳужумчиси Абдуғани Тошбоев аниқ зарба билан ўз жамоасини олдинга олиб чиқди. Кўп ўтмай «Академия» ўйинчилари ўз жарима майдонларида ўйин қондасини бузишга Шуҳрат Эргашев пенальти орақли ҳисобни тенглаштирди — 1:1. Шавкат Абдураимовнинг кучли зарба си орақли «Бектемир» олдинга чиқиб олди. Биринчи бўлим охирида Аҳмаджон Турғунов «Ака-

демия» дарвозасига учинчи тўпни киритди.

Иккинчи таймининг ўрталарига қадар майдонда деярли тенг кураш кечган бўлса-да, сўнг ўйин яна жонланиб кетди. «Бектемир» ўйинчилари Шуҳрат Эргашев ва Абдужаббор Маъруфалиевлар китритган икки тўпга «Академия» фақат битта гол билан жавоб бера олди, холос. Шундай қилиб рақибни йирик 5:2 ҳисобида



Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг дипломлари, Тошкент шаҳар спорт қўмитаси ва футбол федерациясининг махсус совриндари Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Аҳмаджон Миржалилов, шаҳар ҳокими ўринбосари Эркин Эрназаров, Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Шавкат

билан ҳам тақдирланди. «Академия»га ҳам ташкилотчилар ҳамда ҳомийлар томонидан ажратилган соғвдалар топширилди. Биз ўйиндан сўнг «Бектемир» жамоасининг раҳбарияти, ўйинчилари билан суҳбатлашдик.

● **Абдурашул РАИМКУЛОВ, жамоа бошлиғи ва бош мураббийси:**

— Жамоа муваффақиятларининг сири тўғрисида

Алишер Аҳмадалиев, Одил Аҳоров каби 16-18 ёшли иқтидорли ўйинчилар ташкил этили. Уларни ҳозир ҳам бемалол асосий таркибга жалб этишимиз мумкин. Ўйлашганимиз шу таркиб билан ўйинимизни янада кучайтириб, ўз олдимизга қўйилган асосий вазифа — биринчи лигага чиқиш юмушини амалга оширишимиз мумкин. Айниқса, жамоамизнинг ба-мисоли отаси ҳисоблан-

● **Баҳодир ИСОМИДДИНОВ, жамоа сардори:**

— Ғалабамизга барча футболчиларнинг бир ёқадан бош чиқаришлари, майдонда ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришлари асосий омил бўлди. Ушбу таркибни сақлаб қолсак, ўйинимиз янада кучайишга ишончим комил.

Пророков), «Иргидро-маш» корхоналарининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Хусусан, бизнинг «ТошАТЭК» корхонамизнинг 100 уринли сўхатгоҳимиз бўлиб, бу ерда яхши шифокорлар, мураббийлар фаолият кўрсатишди. «Бектемир» жамоасининг барча ўқув-машқ йиғинларини шу ерда ўтказиш учун барча тегишли шарт-шароитларни яратганимиз. Бу ерда ҳар бир футболчи соғлигини мустақам-лайли, тиклайди, уқалаш сеансларини олади, жароҳатларини даволайди. Албатта, ўйинчиларнинг кайфияти яхши бўлса, у жон-жаҳди билан тўп суриб яхши натижалар кўрсатади. Шу сабабдан уларнинг уй-турмуш шароитларини ҳам ўрганиб, керакли ёрдамларни бериб бораёмиз. Мақсадимиз Ўзбекистонда футболни ривожлантириш, соғлом авлодни камол топтиришга оз бўлса-да ўз ҳиссамизни қўшиш. Ёш, жонқуяр ўйинчилардан ташкил топган жамоамизнинг олга босиб биринчи лигага чиқиш учун бутун имкониятларни ишга солишга ҳаракат қилияёмиз.

Ха, Тошкент шаҳар ҳокими кубогининг соҳиблари бўлиш «Трамвайчи», «Турон», «Шайхонтохур Траст», «Академия» каби жамоалар қаторига ўз қиёфаси, ўзига хос ўйинига эга, келажакчи порлоқ «Бектемир» жамоаси қўшилди. Жонқуяр ҳомийлар, тажрибали мураббийлар ва умидли ўйинчиларга эга ушбу жамоанинг ўйини тобора очилиб, ўз олдинга қўйган асосий мақсади — биринчи лига жамоалари қаторидан ўрин олишига биз ҳам тилакдоримиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ. СУРАТЛАРДА: футбол бўйича Тошкент шаҳар ҳокими кубогининг финал беллашуви ва голибларни тақдирлаш маросимидан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган сураатлар.

Шаҳар ҳокими кубоги учун

БИЛЛУР СОВРИН — «БЕКТЕМИР»ДА



ютган «Бектемир» жамоаси Тошкент шаҳар ҳокими кубогининг бу йилги соҳиби бўлди. Голиб жамоага махсус кўча кубок, Ўзбекистон Республикаси

Тулагановлар топширишди. Шунингдек, «Бектемир» «Ўзинтранс», «Ўзтальмотор холдинг» корхоналари, туман «Маҳалла» жамғармасининг соғвалари

тўхталидиган бўлсак, аввало шунингдек керакки, командамиз бутунлай ўз футбол мактабимиз тарбияланувчиларидан ташкил топган. Кейинги пайтларда бизда футбол сирларини ўрганган ўйинчилардан «Самарқанд-Динамо» жамоасида Игорь Михайлов, «Дўстлик»да Александр Кретининлар тўп сурмоқда. Мақсадимиз қайси лигада ўйнашимиздан қатъи назар чиройли ўйин кўрсатган ҳолда етук жамоани юзага келтириш. Ҳозирда «Бектемир» таркибига ўттизга яқин футболчи бўлиб, улардан ярмини Даврон Исмоилов, Абдурашул Абдухолиқов, Ҳусниддин Нўмонов,

миш, барча муаммоларни ҳал қилишда бизларга бош-қош бўлаётган «ТошАТЭК» ҳиссдорлик жамияти ва бошқа ҳомийларимизга фурсатдан фойдаланиб нуқур миннатдорчилик билдираман. Шунингдек, эришяётган ютуқларимизда болаларни тарбиялашда катта ҳисса қўшган 24-БЎСМ (раҳбари Дониёр Султонов), катта футболга Абдуқайдар Маъруфалиевни етиштирган (ҳозир жамоамизда унинг укаси Абдужаббор Маъруфалиев тўп сурмоқда), жонқуяр мураббий Зоир Абдухолиқовларнинг хизматлари катта эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишни истаётман.

● **Қаҳрамон ОҚБОВЕВ, «Бектемир» жамоаси президенти, «ТошАТЭК» ҳиссдорлик жамияти бошқарувининг раиси:**

— Тумандаги корхоналар раҳбарлари кенгашининг ҳамраиси сифатида мулкчиликнинг ҳар хил турларига оид барча 25 та корхонанинг жамоага ҳар томонлама ёрдам қилишига бамааслаҳат ҳаракат қилияёмиз. Чунотки, бир корхона, жамоага либослар олиб бера, бошқаси бутсилар, учинчиси тўплар билан таъминлайди. Бу борала аynиқса «Ўзинтранс» (раҳбари Ботир Қосимов), «Сувмаш» (раҳбари Игорь



Малҳамлар

ЧУЧУКМИЯНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

Чучукмия ўсимлигини Марказий Осиёнинг кўпчилик теғраларида учратиш мумкин. У ариқ, дарё бўйларида, тўғайзорларда, кумли тоғ қияларида, экинзорларда бегона ўт сифатида ўсади. Чучукмия турлари кўп йиллик, бўйи 50-100, баъзан 200 сантиметрга етadиган ўсимлик, Ер устки қисми кучли тараққий этган бўлади.

Чучукмияни қизилмия, ширинмия деб ҳам аташади. Русчада «солодка», «лакричник», «лакрица» номи билан юритилади. «Солодка» сўзи грекчадан келиб чиққан. Грек шифокори Диоскорид уни глицирриза деб атаган, яъни ширин илди, деган маънони англатади. Хитойчада уни «хунгир ганьцао», яъни «ширин ўт» деб номлашади.

Глициррин 17 тури мавжуд. Баъзи турлари Шарқий Осиёда, Австралида ва Америкада учрайди. МДХда 7 та тури бор. Глициррин бу турлари Европанинг ўрта ва жанубий вилоятларида, Кавказда ўсади.

Республикамизда 3 тури учрайди. Оддий чучукмия тури жуда кўп тарқалган. Уралдаги чучукмия тури Сурхондарёда ўсади. Табобатда асосан илдизи ишлатилади. Гиёҳ илдизи таркибига турли хил маъданлар бор. Фла-

вонлар, стероидлар, гликозидлар, глицирин ва ликвиритозил каби моддалар гиёҳнинг бебаҳо омил ҳисобланади ва шулар туфайли шифо беради.

Глицирриннинг таъсир этиш жараёни инсон буйрак усти безлари ишлаб чиқарадиган гармон кортизон ва дезоксикортикостеронга ўхшайди.

Гиёҳ илдизи санатда кенг қўламда қўлланилади. Озик-овқат санатидида пиво, квас, ароқ-вино ишлаб чиқаришда, чойлар маъясини яхшилаш учун қўйилади. Гиёҳ кўнчилиқда, сиёҳ, туш, бўёқ ишлаб чиқаришда, сигареталарнинг сифатини яхшиловчи омил сифатида ишлатилади. Шу бoис жаҳон бозорида жуда қадрланади.

Халқ табобатида гиёҳ илдизи юқори нафас йўллари шомоллашида (пневмония, ларингит, сурункали бронхит), йўтал, овқат ҳазм қилиш йўлида (ўткир ва сурункали гастритлар, яра, сурункали холецистит), захарланганда, бронхит астма (нафас қисий), экзема, пешоб хайдовчи

дори сифатида тавсия этилган. Монголия халқ табобатида гиёҳ йўтал қолдириш учун дори сифатида тавсия этилган. Бу ўсимлик борасида Абу Али ибн Сино шундай ёзган: «...Унинг шираси ва шунингдек, илдизини милька қўйлади (шишлар пайдо бўлганда) — М.М.). Мумли суртма билан қўшиб оловда қўйганга қўйлади. Ширасини эса жароҳатланганларга ишлатилади. Ўпка найини юмшади ва тозалайди, ўпка ва томоққа фойда қилади ва овозни тозалайди... Чанковни босади. Эски иситмаларга фойда қилади...»

Қадимги хитойлик шифокорлар чучукмияни гузаллик ва ёшлиқни сақловчи «Хаёт илдизи» — женьшендан кейинги иккинчи дори деб ҳисоблаган.

Тибет табобатида гиёҳ ўпка шомоллашида, сил хасталигида, меъда, жигар, буйрак, кам-қонлик, юқумли шомоллаш хасталигида, илон чакиб олганда, кутурган ит қонганда ишлатилган. Ҳиндистонлик шифокорлар гиёҳни нафас қисийда, энгил сурғи ва пешоб хайдов-

чи, кўз хасталикларида тавсия этганлар. Баргидан тайёрланган бўтқа оёқ терлашига қарши қўлланилган.

Замонавий табобатда гиёҳ препаратлари бағлам қўйирувчи ва пешоб хайдовчи омил сифатида тавсия этилган, илдиздан қайнатма тайёрлаш учун аввало, илдиш майдаланади. 50 грамм илдишга 500 миллиграмм қайноқ сув қўйилади ва ласт оловда 30 дақиқа қайнатилди, дока орқали сузилади. Тайёр бўлган қайнатмадан кўнига 1 ош қошиғида 4 марта ичилади.

Гиёҳ илдизи асосида бир неча дори турлари ишлаб чиқарилган. Қўйида шулар борасида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Ликвиритон — гиёҳ таркибидидаги флавоноларни сақлайди. Таблетка ҳолида ишлаб чиқарилган. Бу дори шомоллашга қарши, оғриқ қолдирувчи, меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси хасталигида бюрилади.

Глицирам — гиёҳ илдизининг глициррин-зин кислотаси асосида тайёрланади. Жуда ши-

рин мазага эга, ҳидсиз. Буйрак усти беши фаолиятини яхшилайди. Нафас қисийда, аллергия дерматит, экзема ва бошқа хасталикларида тавсия этилган. Бу дори юрак, жигар ва буйрак фаолияти бузилган кишиларга тавсия этилмайди.

«Кўркак эликсир» — чучукмия илдизи қиёми (60 қисм), новшадил спирити эритмаси (10 қисм), анис мойи (1 қисм), спирт (49 қисм) ва сув (180 қисм)дан таркиб топган. Бу дори суюқ ҳолда бўлиб, 20-30 томчида 3-4 марта кўнига ичилади. Болаларга ҳам тавсия этилади. Уларнинг ёши нечада бўлса, шунча томчи ичилади. Бу йўтал хуруқидида тавсия этилади. Шунингдек, гиёҳдан флакарбин номли дори ҳам яратилган. Бу меъда ва 12 бармоқли ичак яраси хасталигида қўлланилади.

Гиёҳ илдизи тинчлантирувчи, сурғи чойлари — йиғмалар таркибига қиради. Чучукмия (ширинмия) ўсимлигини юрак фаолияти, қон босими ошган кишиларга, ҳомиладор аёлларга қўллаш тавсия этилмайди. Тошкент кимё-фармацевтика акциядорлик жамиятида қизилмия ширасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.



Бош муҳаррир
Акматали АҚМОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.

факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума
кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари
бўйича турар жойлардаги почта
бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га
— 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишишга мумкин.

Рўйхатдан ўттип тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
концерни босмахонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.